Сизларга амалларингизнинг энг яхшисини, Хожангиз (Аллоҳ) ҳузурида энг покларини, даражаларингизни энг юқори қилувчисини

Абу Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларга амалларингизнинг энг яхшисини, Хожангиз (Аллоҳ) ҳузурида энг покларини, даражаларингизни энг юқори қилувчисини, сизлар учун олтин-кумуш инфоқ қилишдан ҳам яхшироқ бўлган ва душманингизга рўбаро келиб, сизлар уларнинг бўйнига, улар эса сизларнинг бўйнингизга уришидан (яъни жанг қилишдан) ҳам афзалроқ бўлган нарса ҳақида хабар берайми?» дедилар. Саҳобалар: «Албатта, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. У зот: «Аллоҳ таолонинг зикридир», дедилар».

[Саҳиҳ] [Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалардан сўрадилар: «Сизларга амалларингиз ичида энг яхшисини, Ал-Молик бўлган Аллоҳ азза ва жалла ҳузурида энг шарафлиси ва покизасини жаннатдаги даражаларингизни энг юксакка кўтарадиганини хабар қилайми? У шундай бир амалки, сиз учун олтин-кумушларни инфоқ қилишдан ҳам, жанг майдонида душман билан юзма-юз келиб, уларнинг бўйнига қилич уришингиздан ва улар сизнинг бўйнингизга қилич уришидан ҳам хайрлироқдир». Саҳобалар: «Албатта, эй Аллоҳнинг расули, хабар беринг!» дедилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу — Аллоҳ таолони ҳар бир лаҳзада, ҳар қандай ҳолат ва кўринишда зикр этмоқдир», дедилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3575